
Компенсация пули ундириб берилди

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон тумани бўлими иш юритувида бўлган ФИБ Фарғона туманлараро судининг 15.02.2023 йилги қарорига кўра қарздор А.А дан ундирувчи А.Ў. фойдасига 70 173 096 сўм компенсация ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича, давлат ижрочиси томонидан қарздор А.А га компенсация қарзини тўлаши лозимлиги ҳақида огоҳлантирилган.

Бюро томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари даврида 31.03.2023 й. куни қарздор А.А дан 70 173 096 сўм ундирилиб, ундирувчи А.Ў га тилхат орқали топширилди ва ижро ҳужжати тамомланди.

МИБ Ўзбекистон тумани бўлими

2023-03-31 20:41:00